УДК 809.437+5-003.22.23

МОРФЕМАЛАР ОРАЛИҒИДА УНДОШЛАР ЗИДЛАНИШИНИНГ МЎЪТАДИЛЛАШУВИ

Д.А. Набиева, Д.А. Нурманова

Тил системасида мавжуд барча парадигмалар ўртасида ва шу парадигмаларга мансуб бўлган аъзолар ўртасида зиддиятли муносабатлар кузатилади. Лекин ушбу зиддиятлар лисоний бирликларнинг ўзаро синтагматик муносабатга киришиши натижасида муайян сабабларга кўра силлиқланиши, йўқолиши мумкин. Бу ҳодиса бирликлар ўртасидаги фарқловчи белгиларнинг мўътадиллашуви дейилади. Мақолада ўзбек тилидаги кўпморфемали сўзларда морфемалар оралиғида содир бўладиган ундошлар зидланишининг мўътадиллашуви хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар*: умумийлик ва хусусийлик, инвариант ва вариант, фарқловчи белги, зиддият, зидланувчи аъзолар, мўътадиллашув, морфем парадигматика ва синтагматика, морфемалар занжири, морфемалар чоки.*

Между всеми парадигмами, существующими в языковой системе, и между членами этих парадигм наблюдаются оппозиционные отношения. Но эти оппозиции могут стереться, сгладиться по определенным причинам при синтагматических отношениях лингвистичесих единиц. Заглаживание дифференциальных признаков между единицами языка называется нейтрализацией. В данной статье речь идёт о нейтрализации оппозиций согласных на стыке морфем в многоморфемных словах узбекского языка.

Ключевые слова*: общее и единичное, инвариант и вариант, различительный признак, оппозиция, оппозирующие члены, нейтрализация, морфемная парадигматика и синтагматика, морфемная цепочка, стык морфем.*

Инсон ўзини қуршаб турган оламни, объектив борлиқни, унинг муайян бўлагини билишга интилар экан, билишнинг турли усул ва воситаларидан фойдаланади. XX аср файласуфларидан бири Карл Поппер билимларнинг ривожланиши ҳақида фикр юритиб, хатоларни бартараф қилиш “дарвинча танлаш” жараёни эканлигини эътироф этган ҳолда, такрорланувчи кучсиз илмий назарияларнинг кучли, янада мукаммал назариялар билан алмашинишини таъкидлайди. Поппер фикрича, илмий билиш ривожи тажрибалар ҳамда йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш билан амалга ошади. Маълум муаммоли вазиятда назарияни танлаш услуби фанни янада рационал қилади ва унинг тараққиётини таъминлайди [1. Б. 226]. Демак, билиш жараёнида билиш усуллари бир-бирини тўлдиради, бири иккинчиси учун асос бўлади, бирида ечилмаган муаммолар иккинчисида бартараф этилади. Амалий билимлар назарий билимлар учун йўл очади.

Билишнинг эмпирик ва рационал усуллари ҳақидаги дастлабки қарашлар антик давр файласуфи Афлотун билан боғланади. Файласуф билишнинг икки босқичини ажратгани ҳолда, нарсанинг моҳияти номаълум бўлса, бу нарсани аниқлаш учун унинг айрим қисмларини, уйғунлигини, тегишли жиҳатини ва зарурийлигини тартибга солиб бўлмаслигини, агар кимдир шусиз ҳам (у нарсани) аниқлаш мумкин, деб даъво қилса, янглишишини таъкидлайди [2].

Объектга диалектик фалсафа нуқтаи назаридан ёндашув уни ўзига ўхшаш бошқа объектлар билан муносабатдорликда, бутунлик таркибидаги элемент сифатида ва, шу билан бир қаторда, элементларнинг барқарор муносабатларидан ташкил топган бутунлик сифатида ўрганишга йўл очади. Билишнинг бундай усули системавий-структур усул саналади. Табиатнинг ҳар қандай мураккаб бўлагини системавий-структур асосда уч нуқтаи назардан ўрганиш мумкинлиги барча файласуфлар томонидан эътироф этилади: 1) элементларнинг маълум йиғиндиси сифатида; 2) бу элементлар ўртасидаги муносабатларнинг маълум йиғиндиси сифатида; 3) элементлар ва муносабатларнинг маълум субстанция таркибида мувофиқлашган йиғиндиси сифатида. Бу каби уч хил ёндашувга мувофиқ ҳолда, объектни системавий-структур

ўрганишнинг ҳам уч босқичини ажратиш мумкин. 1) узвий; 2) структур; 3) системавий [3. Б. 27].

Инсон дастлаб ўзини қуршаб турган оламни айрим узвларга ажратади. Оламнинг ажратилган бу бўлаги гўё автоном, сифатий ажратилган ҳолда тасаввур қилинади. Бундан сўнг ушбу объектни нарса субстрати сифатида аниқлашга ҳаракат қилинади. Бунинг учун унинг ўзига хос хусусиятлари йиғиндиси аниқланади. Маълум муддатгача бу аниқланган хусусиятлар объектнинг ўзига нисбат берилади ва у алоҳида субстант ҳосила сифатида тасаввур қилинади. Кейинчалик бошқа хусусиятларнинг ҳам аниқланиши бу хусусиятларнинг сараланишига, бошқа объектлардаги шундай хусусиятлар билан ассоциациялашга имконият яратади. Натижада билишнинг кейинги босқичида объект қисмларини ажратиш имкони туғилади. Уларга муайян элементлар муносабатидан ташкил топган мураккаб бутунлик, механизм сифатида қараш мумкин бўлади. Нарсага бундай элементлар интеграцияси сифатида қараш узвий босқичнинг вазифаси саналади.

Билишнинг навбатдаги босқичида бутунлик таркибидаги элементларнинг муносабат турлари аниқланади. Бутунлик таркибидаги элементлар муносабат тугунларини структура деб ҳисобласак, муносабат тугунларини аниқлашга қаратилган тадқиқот усулига ҳам структур босқич деб қараш мумкин бўлади [3. Б. 23].

Тадқиқотчи нарсага структур ёки субстант ёндашув асосида ҳосил қилинган билимларига таянган ҳолда, билишнинг навбатдаги босқичига ўтиши мумкин бўлади. Бу босқичда структур ёндашув асосида аниқланган бутунлик элементлари ўртасидаги муносабатларнинг қайсилари шу бутунликнинг мавжуд бўлиши учун муҳим, марказий, асосий; қайсилари номуҳим, чегарадаги, иккинчи даражали эканлиги аниқланади. Яъни ўрганилаётган объект иккинчи даражали, қўшимча, чегара белгиларидан соқит қилинади: бу белгилар объектдан четлаштирилади. Натижада объектга бутунлик таркибидаги элементларнинг энг муҳим муносабатлари системаси, система ҳосил қилувчи элементлар муносабати сифатида қаралади. Бу босқичлар инсоннинг оламни билиш босқичига бевосита дахлдордир. Билишнинг бу уч босқичи фалсафадаги хусусийлик, алоҳидалик, умумийлик диалектикасини ўзида намоён қилади [3. Б. 23].

Келтирилган фикрлардан маълум бўладики, системавий-структур изланишларнинг асосий вазифаси бевосита кузатишда берилган ҳодисалар замирида яширинган моҳиятларни аниқлашдан иборатдир. Ҳодисалар замиридаги моҳиятни аниқлашга эришиш чин билимга эга бўлишга олиб келади. Ғарб фалсафасида рефлексия, кўриниш билан моҳият, чин борлиқ ўртасидаги зиддиятлар ҳақидаги дастлабки қарашлар қадимги юнон фалсафасида, хусусан, Арасту фалсафасидаги субстанция ва акциденция муносабатларида ўз ифодасини топган. Кейинчалик ушбу муносабатлар Кант, Гегель фалсафаларида ривожлантирилди. Хусусан, Гегель борлиқ билан чин борлиқни фарқлар экан, чин борлиқнинг моҳият эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, инсон чинликни англашни, борлиқнинг ўзида ва ўзи учун нима эканлигини билишни хоҳлаганда, у бевосита сезги аъзолари берган билим билан кифояланиб қолмайди. Сезги аъзолари орқали ҳис қилинган борлиқ ортидаги ундан фарқ қиладиган қандайдир бошқа борлиққа кириб боради. Ана шу ортдаги план чин борлиқни ташкил этади [4. Б. 7].

Шарқ фалсафасининг буюк намояндаси Форобий ҳам ўз даврида Арастунинг ёлғон ва чин билим ҳақидаги, ўзгарувчан ва ўзгармас белги ҳақидаги қарашларидан фойдаланган ҳолда, шарқ фалсафасига ўзаро зидланувчи жавҳар ва ораз тушунчаларини олиб кирди. Унинг фикрича, беадад зиддиятлар бир-бирини алмаштириб туради. Бундай тановобларда (ўзгаришларда) битта ўзгармайдиган доимий нарса бор. У ушбу тановобларни сақлаб туради ва уларга сингиб кетади. Доимий, ўзгармас нарса жавҳар, ўзгариб турувчи нарсалар ораз дейилади [5. Б. 75].

Демак, Форобийнинг фикрича, сезги аъзоларимиз таъсирига берилаётган ҳар бир борлиқ узви жавҳар ва оразлар муносабати бирлигидан ташкил топган. Чин билишга эришмоқ учун оразларни тенглаштириш орқали жавҳарни аниқлаш лозимдир.

Амалий ҳаётимизда сезги аъзоларимизга таъсир этаётган хусусий нарса ва ҳодисаларни бошқа шунга ўхшаш нарса ва ҳодисаларга қиёслаш асосида уларда мавжуд барча белгиларни аниқлай оламиз. Билишнинг бундай усули диалектик фалсафага асосланади. Шунинг учун диалектик фалсафа барча фанларнинг методологик асосига айланди. Бундан тилшунослик ҳам мустасно эмас.

XX аср бошларида Европа тилшунослигида диалектикага асосланган янги илмий парадигманинг – структурализмнинг майдонга келиши мавжуд лисоний ҳодисаларга система сифатида қаралишига, системани ташкил этган элементлар ўртасидаги муносабатларни ўрганишга эътиборнинг кучайишига сабаб бўлди. Натижада дунё тилшунослигида структурализм ғояларига асосланган ҳолда, алоҳида илмий концепциялари билан тилшунослик тарихида ўзига хос из қолдирган бир қанча лингвистик мактаблар майдонга келди. Шундай мактаблардан бири фонология тарихида алоҳида эътироф этилувчи, жаҳон фонологиясининг ривожига тенгсиз ҳисса қўшган Прага лингвистик тўгарагидир. Ушбу тўгарак тилшунослик оламида ўзининг фонологик концепцияси билан эътибор қозонди. Фонологик концепциянинг майдонга келиши натижасида европа тилларининг фонологик хусусиятлари тизимли равишда тадқиқ этилди. Шу жумладан, фонологик бирликлар ўртасидаги зидланишларга, зидланишларнинг мўътадиллашуви ҳамда мўътадиллашувга сабаб бўлувчи омиллар масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Кейинчалик бундай тадқиқотлар бошқа тилларда, хусусан, ўзбек тилида ҳам майдонга келди.

Систем тилшунослик ҳар қандай лисоний бирликни муайян унсурларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган ва янги сифатга эга бўлган бутунлик сифатида эътироф этади. Демакки, ҳар қандай лисоний бирлик муайян ички тузилишга (структурага) эга бўлади. Лисоний бирликларнинг ички тузилишини ташкил этган унсурлар унинг мундарижасини белгилайди. Лисоний бирлик мундарижасини ташкил этган унсурларнинг вазифаси бу лисоний бирликнинг бошқа лисоний бирлик билан муносабатида очилади. Бу эса систем тилшуносликда муносабат тушунчаси алоҳида мавқега эгалигини кўрсатади. Лисоний бирликлар муносабати эса, ўз навбатида, ўхшашлик ва фарқланиш тушунчаларини тақозо этади.

Нарса-ҳодисаларнинг ҳар бирида такрорланаётган, ўхшаш белгилари уларни муайян умумийликларга бирлаштириш учун асос бўлади. Бетакрор, бошқа нарса ва ҳодисада такрорланмайдиган, шу ҳодисанинг ўзигагина хос бўлган белгилар эса уларни бир-биридан фарқлаш учун хизмат қилади. Фарқланиш эса, шубҳасиз, зиддиятларга асосланади. Демак, муайян парадигма аъзолари ўхшаш белгилари асосида бир парадигмага бирлашса-да, ўзига хос белгилари асосида ўзи мансуб бўлган қатордаги бошқа бирликлардан фарқ қилади, улар билан ўзаро зиддиятли муносабатга киришади.

Таъкидлаш зарурки, тил системасида мавжуд барча парадигмалар ўртасида ва шу парадигмаларга мансуб бўлган аъзолар ўртасида зиддиятли муносабатлар кузатилади. Шунинг учун зиддиятлар систем тилшуносликнинг асосини ташкил этади. Лекин ушбу зиддиятлар лисоний бирликларнинг ўзаро синтагматик муносабатга киришиши натижасида муайян сабабларга кўра силлиқланиши, йўқолиши мумкин. Бу бирликлар ўртасидаги фарқловчи белгиларнинг мўътадиллашуви, нейтрализацияси дейилади. Демак, систем тилшуносликда зиддият (оппозиция) тушунчаси қанчалик муҳим бўлса, мўътадиллашув тушунчаси ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Тилнинг изоморфлик хусусияти унинг муайян сатҳидаги ҳодисаларнинг бошқа сатҳларда ҳам юз беришига йўл очади. Фонологик сатҳда фонологик бирликлар ўртасидаги зиддиятларнинг мўътадиллашуви тилнинг юқори сатҳ бирликлари ўртасидаги зиддиятлар мўътадиллашувига сабаб бўлади. Демак, мўътадиллашув тилнинг барча сатҳ бирликлари учун хос бўлган универсал ҳодиса саналади. Қуйида мўътадиллашувнинг морфемик сатҳда морфемалар занжирида рўй бериши хусусида фикр юритилади.

Парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишнинг синтагматикада мўътадиллашуви фақат бир морфемали лексемалар доирасидагина эмас, балки икки ва ундан ортиқ морфемаларнинг синтагматик муносабатидан ташкил топган лексемаларнинг морфемалар чокида ҳам рўй беради. Бундай вақтда морфема варианти юзага чиқади. Морфема вариантлари заминида фонема вариантлари ётади. Бошқача айтганда, морфемалар чокида рўй берадиган фонологик зидланишларнинг мўътадиллашуви морфема вариантларининг ҳосил бўлишига олиб келади.

Гарчи туркий тиллар агглютинатив тиллар сирасига кириб, морфемалар чоки аниқ бўлса ҳам ва ўзак морфемага қўшимча морфемалар қўшилганда ўзакда фонетик ўзгариш рўй бермайди, деб қаралса ҳам, лекин бу фикр нисбий характерга эга бўлиб, флектив тилларга қиёсланганда, унга нисбатангина баён қилинган фикр эканлиги ойдинлашади. Бу те-

зис, умуман олганда, тўғри бўлса ҳам, хусусий ҳолларда ундан чекиниш ҳолатлари кўзга ташланади. А.Н.Кононовнинг таъкидлашича, агглютинация жараёни қатор фонетик ҳодисалар билан биргаликда рўй беради [6. Б. 108] Агглютинация жараёнида кузатиладиган бундай фонетик ҳодисалар гиперагглютинация (В.В.Радлов), фузия (Э.Сепир), соддалашиш (В.А.Богородицкий) атамалари билан номланади.

Морфемалар оралиғида рўй берадиган фонетик ҳодисалар ва бу ҳодиса натижасида морфемаларнинг вариантланиши узоқ даврлардан буён тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганилиши лозим эканлиги баҳсли бўлиб келди. Ф.де Соссюр бу масалага алоҳида эътибор берган ҳолда, морфемаларнинг вариантланишида унинг моддий томони – товуш томони эътиборга олингани учун уни фонетик ҳодиса сифатида қараб келингани ва тилшунослар бу билан хатога йўл қўйганини таъкидлайди. Аслида эса морфемалар таркибидаги фонемалар алмашинуви фонологик қимматга эга эмаслиги, шунинг учун ҳам бу масала грамматиканинг ўрганиш объекти бўлиши лозимлигини баён қилади [7. Б.148]. Морфемалар орлиғида рўй берадиган бундай фонетик алмашинувлар маълум вақтгача гоҳ фонетиканинг, гоҳ грамматиканинг ўрганиш объекти бўлиб келди. Бунга тилшуносликда биринчи бор Н.С.Трубецкой чек қўйди. У маълум бир тилнинг фонологик воситаларини морфологик нуқтаи назардан ўрганиш тилшуносликнинг фонология бўлими билан морфология бўлими, тўғрироғи, морфемика бўлими оралиғида алоҳида бўлимни ташкил қилиши кераклигини, бу бўлимнинг номини эса морфонология ёки фономорфология деб юритилиши мақсадга мувофиқ эканлигини баён қилади [8. Б. 115]. Шундан буён морфонология тилшунослик мундарижасида алоҳида бўлим сифатида қатъий ўрин олди ва бу масалага бағишланган бир қатор асарлар майдонга келди.

Туркийшуносликда асримизнинг 80-йилларидан бошлаб бу муаммо тилшунослар диққатини тортди. Туркий тилларнинг морфонологиясига бағишланган мақолалар ҳамда махсус асарлар пайдо бўла бошлади [9, 10, 11, 12, 13]. Гарчи морфология тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида бугунги кунда кўпчилик тилшунослар томонидан эътироф этилаётган бўлса ҳам, лекин унинг ўрганиш объекти масаласида тилшунослар ўртасида бир хиллик йўқ. Шундай бўлишига қарамасдан уларнинг деярли барчаси морфемалар оралиғида рўй берадиган фонетик алмашинувлар морфонологиянинг ўрганиш объекти эканлигини эътироф этадилар.

Айрим тадқиқотчилар тилшуносликнинг ҳар қайси бўлимининг ўз ўрганиш бирлиги борлигини (масалан, фонологияники – фонема, морфемика бўлимининг ўрганиш бирлиги – морфема, лексикологияники – лексема, синтаксисники - синтаксема) эътиборга олган ҳолда, морфонологиянинг ҳам ўз ўрганиш бирлиги бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар ва шундай бирлик сифатида морфонемани тавсия этадилар.

Н.С.Трубецкойнинг фикрига кўра, бир морфема таркибида сўзнинг морфологик структураси талаби билан бири ўрнида иккинчисининг алмашиниб келиши мумкин бўлган икки ва ундан ортиқ фонеманинг комплекс образи морфонема ёки морфофонема саналади. Бошқача айтганда, морфонема фонологик альтернация аъзолари мажмуасидир [8. Б. 26]. Лекин морфонема тушунчаси тилшунослар томонидан бир хил қабул қилинмади. Морфонологияга бағишланган жиддий тадқиқотлар муаллифи А.А.Реформатский тил структураси билан тилшунослик бўлимларининг доимо ҳам мувофиқ келавермаслиги, тил структурасидаги икки сатҳ бирликлари билан иш кўрувчи тилшунослик бўлимлари бор эканлигини таъкидлагани ҳолда, морфонологиянинг ҳам тил системасидаги икки сатҳ билан – фонология ва морфология билан иш кўрувчи тилшунослик бўлими эканлигини баён қилади ва морфонема атамаси остидаги «бирлик» тил структурасида объектив йўқ эканлигини, шунинг учун бундай атама тилшуносликда ортиқча эканлигини уқтиради [14].

Туркий тиллар материаллари ҳам морфонема остида ўрганиладиган алоҳида бирлик мавжуд эмаслигини, лекин морфемаларнинг синтагматикаси жараёнида морфемалар фонологик таркибида муайян ўзгаришлар содир бўлишини кўрсатади. Бундай ўзгаришлар тилнинг фонологик системасида, фонемалар парадигмасида маълум белги асосида зидланиш муносабатида турган икки фонеманинг синтагматикада фарқловчи белгиларини йўқотиши, мўътадиллашуви билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун бундай морфонологик ҳодисаларни мўътадиллашув натижаси сифатида талқин этамиз.

Ўзбек тили морфемалари оралиғида қуйидаги фонемалар зидланишларининг мўътадиллашуви ва бунинг натижасида морфемаларнинг моддий жиҳатдан икки хил вариантланиши кузатилади:

П-в ундошлари тилнинг фонологик системасида, парадигматикада ўзаро портловчилик, жарангсизлик-жаранглилик белгиларига кўра фарқланади, лаб белгисига кўра эса бирлашади. Демак, бу ундошлар икки белгисига кўра ўзаро зидланади.

Синтагматикада, икки морфема оралиғида бу ундошлар маънони ўзгартирмаган ҳолда ўзаро эркин алмашиниш муносабатида бўлиб, фарқланиш белгисини йўқотади, мўътадиллашади. Масалан, топиб-товип (же-ловчи), чопиб-човип каби. Бунда мўътадиллашув қуйидагича рўй беради:

Pr : (n+в) → Pn : 0+в.

П-б ундошлари тил системасида портловчилик, лабиаллик белгиларига кўра умумийликка эга бўлиб, жарангсизлик белгисига кўра эса фарқланади. Биринчи морфеманинг фонологик тузилишига кўра охирги товуш жарангсиз, портловчи, лаб ундоши бўлса, синтагматикада унга унли ёки сонор ундош билан бошланувчи иккинчи морфема қўшилганда жарангсиз, портловчи, лаб ундоши икки унли орасида қолади. Бундай ҳолат жарангсиз ундошлар учун сигнификатив ва перцептив кучсиз позиция саналади. Шунинг учун ҳам бу позицияда айрим шеваларда юқоридаги ундошлар зидлигида биринчи морфеманинг икки хил моддий варианти вужудга келади. Масалан, *кўп+и – кўб+и* (же-ловчи), *гап+им – габ + им* (же-ловчи), *қоп+и – қаб+и* (же-ловчи), *соп +и – саб+и* (же-ловчи) ва бошқалар.

К-г ундошлари тил системасида, парадигматикада жарангли-жарангсизлик белгисига кўра фарқланади ва шу белгиси маъноли бирликларни фарқлаш учун ҳизмат қилади. Синтагматикада морфемалар оралиғида биринчи морфеманинг охирида келган жарангсиз ундош жарангсизлик белгисини йўқотади ва жарангли зидди билан маънога таъсир этмаган ҳолда бир шароитда бири ўрнида иккинчиси эркин алмашиниш муносабатида бўлади. Бундай ҳолат кўпинча жарангсиз, тил ўрта, портловчи ундош билан тугаган морфемага унли билан бошланган морфема қўшилганда биринчи морфеманинг охирги ундоши икки унли ўртасида қолганда рўй беради. Масалан, *тилак+им – тилагим*, *курак+им – курагим* ва бошқалар.

К-ғ ундошлари ҳам худди к-г зидлигига ўхшаб ўзаро жарангли-жарангсизлик белгисига кўра зидланади ва шу белгиси уларнинг маъноли бирликларни ҳам фарқловчи белгиси саналади. Охири чуқур тил орқа, портловчи, жарангсиз товуш билан тугаган биринчи морфема унли билан бошланган иккинчи морфема билан синтагматик муносабатга киришганда жарангли-жарангсизлик белгиси учун сигнификатив ва перцевтив томондан кучсиз вазият вужудга келади. Бунинг натижасида бу зид аъзолар интервокал ҳолатда бири ўрнида иккинчиси (асосан, жарангсиз ўрнида жаранглиси) маънога таъсир этмаган ҳолда эркин алмашиниб келади. Масалан, *тароқ+им – тароғим, қишлоқ+им – қишлоғим* каби.

Шунингдек, сирғалувчи, чуқур тил орқа, жарангли ундош билан тугаган биринчи морфемага портловчи, чуқур тил орқа, жарангсиз ундош билан бошланувчи морфема қўшилганда ғ-қ ундошлари ўртасидаги жарангли-жарангсизлик, сирғалувчилик-портловчилик белгиларига кўра зидланиш йўқолади. Сирғалувчилик ва жаранглилик белгилари портловчилик, жарангсизлик белгисига эга бўлиб қолади. Масалан, *боғ+қа-боққа, тоғ+қа-тоққа* каби.

Г-к ундошлари жарангли-жарангсизлик белгисига кўра ўзаро зидланади. Пайдо бўлиш ўрни ва усули белгилари эса бирлаштирувчи белгилар саналади. Бу зидланувчи аъзолар ҳам синтагматикада морфемалар оралиғида мўътадиллашади. Бундай вақтда жарангли, тил орқа, портловчи ундош билан тугаган биринчи морфемага худди шундай ундош билан бошланувчи морфема қўшилади ва биринчи морфема таркибидаги охирги товуш жаранглилик белгисини йўқотиб жарангсиз зидди билан мўътадиллашади. Масалан, *тег+ган – теккан, барг+га – баркка, бакка* каби. Шунингдек, жарангсиз ундош билан тугаган биринчи морфемага жарангли, тил орқа, портловчи ундош билан бошланувчи морфема қўшилганда, иккинчи морфема бошланишидаги жарангли ундош жаранглилик белгисини йўқотиб, жарангсиз зидди билан бир фонетик вазиятда ўзаро эркин алмашиниш хусусиятига эга бўлади. Масалан, *иш+га – ишка, ўс+ган – ўскан, ток+га – токка* ва бошқалар.

Н-г ундошлари тил олдилик белгисига кўра умумийликни ҳосил қилиб, пайдо бўлиш усули ва шовқинлилик-шовқинсизлик белгиларига

кўра фарқланади. Нутқ жараёнида тил олди, сирғалувчи, жарангли ундош билан тугаган биринчи морфемага тил олди, портловчи, сонор ундоши билан бошланувчи морфема қўшилганда, бу зидланувчилар ўртасидаги зидланиш белгиси йўқолади. Сонор шовқинлилик ва сирғалувчилик белгиларига эга бўлган зидди билан мўътадиллашади. Масалан, *биз+ни – биззи, сиз+ни – сиззи* каби.

Н-д ундошлари тил олдилик, портловчилик белгилари билан умумийликни ташкил этади. Улар сонорлик-шовқинлилик белгиларига кўра зидланади ва ана шу белги маъноли бирликларни фарқловчи белги саналади. Синтагматикада тил олди, сирғалувчи, жарангли ундош билан тугаган биринчи морфемага тил олди, сонор, портловчи ундош билан бошланган иккинчи морфема қўшилганда, юқоридаги ундошлар ўртасида фарқланиш белгиси йўқолади ва тил олди, портловчи, жарангли ундош билан бир хил бўлиб қолади. Масалан, *биз+ни – бизди*, *сиз+ни – сизди* каби. Бу мўътадиллашув қуйидаги формула билан берилиши мумкин:

Pr:(а+в) → Pn:0+с.

Фонологик системада *н-т* ундошлари сонорлик-жарангсизлик ҳамда портловчилик-сирғалувчилик белгиларига кўра, *н-р* ундошлари портловчилик-ёнлик белгисига кўра, *н-м* ундошлари тил олдилик-лабиаллик белгисига кўра, *н-п* ундошлари тил олдилик-лабиаллик, сонорлик-жарангсизлик белгиларига кўра зидланади. Ана шу белгилар бу зидланувчилар ўртасида маъно фарқловчи белги вазифасини бажаради.

Синтагматикада юқоридаги зидланувчи ундошларнинг иккинчи аъзолари билан тугаган биринчи морфемага тил олди, сонор, портловчи ундош билан бошланувчи морфема қўшилганда, биринчи морфема бошланишидаги ундош юқоридаги саналган жуфтликлардаги бирча зид аъзолар билан зидланиш белгисини йўқотади ва зид аъзоси билан бир хил белгига эга бўлиб қолади. Масалан, (Тошкент, Наманган) *биз+ни – биззи, сиз+ни – сиззи; от+ни – отти; ош+ни – ошши* (Тошкент), *тош+ни – тошши* (Тошкент); *қор+ни–қорри* (Наманган), *шаҳар+ни–шаҳарри* (Наманган), *тол+ни–толли* (Наманган), *яқин+лаш–яқиллаш; қизим+ни–қизимми* (Наманган, Тошкент), *ўзим+ни–ўзимми* (Тошкент, Наманган), *сен+ми–семми* (Нам); *гап+ни–гаппи, қоп+ни–қоппи* ва бошқалар.

Р-д ундошлари сонорлик-шовқинлилик ва титроқлик-портловчилик белгиларига кўра ўзаро зидланади. Синтагматикада айрим ўзбек шеваларида бу ундошларнинг зидланиш белгилари йўқолиши, р ундоши ўрнида д ундоши қўлланиб, маънога таъсир этмаслиги кузатилади. Бундай ҳолат р ундоши билан тугаган морфемага тил олди, портловчи, жарангли ундош билан бошланган морфема қўшилганда рўй беради. Масалан, *бер+ди–бедди* (Наманган), *тур+ди – тудди* (Наманган) ва бошқалар.

Р-т ундошлари сонорлик-жарангсизлик, титроқлик-портловчилик, белгилари асосида ўзаро зидланади. Айрим шеваларда синтагматикада бу ундошлар зидлиги ўртасида зидланиш белгиси йўқолади. Масалан, *кекирдак-кекиттак* (Наманган) каби.

Р-н ундошлари титроқлик-портловчилик белгиларига кўра зидланади. Айрим шеваларда таркибида р ундоши бўлган икки бўғинли морфемага унли билан бошланган морфема қўшилганда, морфемалараро фонетик бўлиниш рўй беради ва юқоридаги ундошлар ўртасида фарқланиш белгиси йўқолади. Масалан, *ўрин+и–ўрни–ўнни* (Наманган), *бурун+и–бурни–бунни* (Наманган, Балиқчи) каби.

Ч-с ундошлари қоришиқлик-қоришиқ эмаслик, портловчилик-сирғалувчилик белгилари, т-с ундошлари портловчилик-сирғалувчилик белгиси асосида ўзаро зидланади. Оғзаки талаффузда жарангсиз, тил олди ундоши билан тугаган морфемага жарангсиз, сирғалувчи, тил олди ундоши билан бошланган морфема қўшилганда, бу ундошлар ўртасидаги зидланиш белгиси йўқолади. Масалан, *ич+са–исса, кеч+са–кесса* каби.

Шундай қилиб, мўътадиллашув муайян нутқий вазият билан боғлиқ бўлиб, маълум қонуният асосида рўй беради. Демак, мўътадиллашув бевосита нутқий ҳодиса бўлиш баробарида, қандайдир умумлашма, моделга асосланади. Англашиладики, мўътадиллашув ҳодисаси ҳам бошқа лисоний ҳодисалар каби зиддиятли, иккиланган хусусиятга эга бўлиб умумийлик ва хусусийлик белгиларини акс эттиради: хусусий белгилари орқали фарқли белгилари намоён бўлса, умумий белгилари орқали бир рукн остида – мўътадиллашув остига бирлашади.

Мўътадиллашув универсал ҳодиса бўлиб, у тилнинг барча сатҳ бирликлари учун хосдир. Фонологик сатҳда фонологик бирликлар

мўътадиллашуви юқори сатҳ бирликларининг мўътадиллашувига сабаб бўлади.

Ўзбек тилида кўпморфемали сўзларда ўзак морфемага қўшимча морфеманинг қўшилиши ва қўшимча морфема таркибидаги товушларнинг ўзак морфема таркибидаги товушларга таъсири ёки, аксинча, ўзак морфема таркибидаги товушларнинг қўшимча морфема таркибидаги товушларга таъсири натижасида морфемалар оралиғида ундошлар зидланишининг мўътадиллашуви юз беради. Бу эса, ўз навбатида, морфемаларнинг моддий жиҳатдан вариантланишига олиб келади.

Адабиётлар:

1. *Поппер К.Р*. Логика и рост научного знания. – Москва: Прогресс, 1983. – 302 с.
2. *Афлотун.* Қонунлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 450 б.
3. *Набиева Д.* Ўзбек тили сатҳларида диалектик категорияларнинг намоён бўлиши (умумийлик ва хусусийлик асосида). Филол.фан.докт... диссертацияси. – Тошкент, 2007. – 228 б.
4. *Гегель.* Наука логики. – Т.2. Книга вторая. Учение о сущности. – Москва: Мысль, 1971. – 376 с.
5. *Форобий А.Н*. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 330 б.
6. *Кононов А.Н.* О фузии в тюркских языках. // В кн.: Сборник “Структура и история тюркских языков”. – Москва: Наука, 1971. – 311 с.
7. *Соссюр Ф.* Курс общей лингвистики. – Москва: СОЦЭКГИЗ, 1933. – 273 с.
8. *Трубецкой Н.С*. Основы фонологии. / Перевод с немецкого А.А. Холодовича. – Москва: Издательство иностранной литературы, 1960. – 173 с.
9. *Абдуазизов А.А., Баскаков Н.А., Содиқов А.С*. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 191 б.
10. *Нурмонов А.Н*. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент, 1990. – 45 б.
11. Грамматика современного башкирского литературного языка. / Отв. ред. Юлдашев А.А**.** – Москва: Наука, 1981. – 497 с.
12. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Фонетика. / Отв.ред. Тенишев Э.Р.– Москва: Наука, 1984. – 483 с.
13. *Закиев М.З.* О тюркской морфонологии. // Советская тюркология, 1984. – №1. – С. 35–44.
14. *Реформатский А.А*. Фонологические этюды. – Москва: Наука, 1975. – 134 с.

MODERATION OF CONSONANT CONFLICT BETWEEN MORPHEMES

D.A. Nabieva[1], **D.A. Nurmanova**[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 5(65). 89-96.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: Common and singula, invariant and variant, distinguishing feature, opposition, opposing members, neutralization, morphemic paradigmatics and syntagmatics, morphemic chain, morpheme junction.

In our practical life, we can determine all the signs that particular things and events that affect our sense organs by comparing them with other similar things and events. Similar signs that are repeated in each of the events are the basis for uniting them into certain generalities. Signs that are unique, not repeated in other things and events, and unique to this event, serve to distinguish them from each other. And the difference is undoubtedly based on contradictions. Therefore, although the members of a certain paradigm unite into one paradigm based on their similar characteristics, they differ from other units in the series to which they belong based on their own characteristics, and enter into a conflicting relationship. It should be noted that conflicting relations are observed between all existing paradigms in the language system and between members belonging to these paradigms. But these contradictions can be smoothed out and lost for certain reasons as a result of linguistic units entering into a mutual syntagmatic relationship. This is called moderation, neutralization of distinguishing marks between units. In European linguistics, in particular, in the Prague Linguistic Circle, the phonological concept was created, and the neutralization of phonological units was explained in detail.

The isomorphism of the language makes it possible for events at a certain level to occur at other levels

as well. The moderation of conflicts between phonological units at the phonological level causes the moderation of conflicts between higher language units. So, moderation is considered a universal phenomenon that is typical for all level units of the language.

The materials of Turkic languages also show that certain changes occur in their phonological structure during the syntagmatic process of morphemes. Such changes in the phonological system of the language, in the paradigm of phonemes, are inextricably linked with the loss of their distinguishing features in syntagmatics, moderation of two phonemes that are in a relationship of conflict on the basis of a certain sign. Therefore, we interpret such morphonological phenomena as the result of moderation.

The article discusses the moderation of consonant conflicts that occur between morphemes in Uzbek multi-morpheme words.

Observations show that in Uzbek multi-morpheme words, as a result of adding an additional morpheme to the root morpheme and the effect of the sounds contained in the additional morpheme on the sounds contained in the root morpheme, consonant conflict between morphemes occurs. This, in turn, leads to material variation of morphemes.

References:

1. Popper, K.R. (1983) *Logika i rost nauchnogo znaniya* [Logic and the growth of scientific knowledge]. Moscow: Progress.

2. Aflotun. (2002) *Qonunlar* [Laws]. Tashkent: Yangi asr avlodi.

3. Nabieva, D. O‘zbek tili sathlarida dialektik kategoriyalarning namoyon bўlishi (umumiylik va xususiylik asosida) [Manifestation of dialectical categories at the levels of the Uzbek language (on the basis of generality and specificity)]. The Dissertation for the degree of Doctor of Philological Sciences. Tashkent.

4. Gegel'. (1971) Nauka logiki [Science of logic]. Vol.2. Moscow: Mysl'.

5. Forobiy, A.N. (1993) Fozil odamlar shahri [City of virtuous people]. – Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti.

6. Kononov, A.N. (1991) O fuzii v tyurkskih yazykah [On fusion in the Turkic languages]. In: Sbornik “Struktura i istoriya tyurkskih yazykov” [Collection “Structure and history of the Turkic languages]. Moscow: Nauka.

7. Sossyur, F. (1933) Kurs obshchej lingvistiki [Course of general linguistics]. Moscow: SOCEKGIZ.

8. Trubeckoj, N.S.(1960) Osnovy fonologii [Fundamentals of phonology]. Moscow: Izdatel'stvo inostrannoj literatury.

9. Abduazizov, A.A. (et.al.) (1979) Umumij tilshunoslik [General linguistics]. Tashkent: O‘qituvchi.

10. Nurmonov, A.N. (1990) O‘zbek tili fonologiyasi va morfonologiyasi [Phonology and morphonology of the Uzbek language]. Tashkent: O‘qituvchi.

11. Yuldashev, A.A. (ed.) (1981) Grammatika sovremennogo bashkirskogo literaturnogo yazyka [Grammar of the modern Bashkir literary language]. Moscow: Nauka.

12. Tenishev, E.R. (ed.) (1984) Sravnitel'no-istoricheskaya grammatika tyurkskih yazykov. Fonetika. [Comparative-historical grammar of Turkic languages. Phonetics]. Moscow: Nauka.

13. Zakiev, M.Z. (1984) O tyurkskoj morfonologii [About Turkic morphonology]., *Sovetskaya tyurkologiya*. No 1. Pp. 35-44.

14. Reformatskij, A.A.(1975) Fonologicheskie etyudy [Phonological studies]. Moscow: Nauka.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

НАБИЕВА Дилоро Абдуҳамидовна – филология фанлари доктори, Андижон давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори. E-mail: prof.nurmonov@rambler.ru

НУРМОНОВА Дилфуза Абдуҳамидовна – филология фанлари номзоди, Андижон давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти. E-mail: nurmanova73@icloud.com